

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ  
ТИББИЙ-ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ**

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**  
Тошкент тиббиёт академияси ўқув  
ишлари бўйича проректори,  
профессор Боймуродов Ш.А. \_\_\_\_\_  
“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2020 йил

**ПСИХИАТРИЯ ВА НАРКОЛОГИЯ КАФЕДРАСИНИНГ  
2020-2021 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН**

**МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШ УЧУН БАҲОЛАШ НИЗОМИ**

(вактинчалик)

“ \_\_\_\_\_ ”- сонли кафедра йиғилишида  
муҳокама қилинган “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2020йил  
Кафедра мудирини  
\_\_\_\_\_ Ашуров З.Ш.

**ТОШКЕНТ – 2020 й**

## Ўқув юклама

№	Курс, факултет	Фан номи	Умумий ўқув соати	Ўқув юклама (маъруза + амалиёт)	ТМ И	Ўқити ш семест- ри курс
1	5 курс даволаш ва тиб.педагогика	Психиатрия ва наркологи я	136	90	46	IX-X
4	2 курс ОМХ	Психиатрия ва наркологи я а хамширалик иши	120	72	48	III
5	5 курс ХТФ	Психиатрия	84	54	30	IX

Кафедрада талабаларнинг билимини назорат қилиш турлари ва шакллари қуйидагича:

- жорий назорат (ЖН)
- оралик назорат (ОН)
- якуний назорат (ЯН)

Ҳамма назорат турлари бўйича 100 баллик тизим қўлланилади (ОМХ факультети учун 5 баҳолик шкала), бундаги баҳо бир вақтни ўзида ҳам баллни ва ўзлаштириш фоизини ифодалайди.

Ушбу 100 балл баҳолаш турлари кафедрада ўтиладиган фанлар бўйича қуйидагича тақсимланади:

1. *Даволаш ва тиббий-педагогика факултетларининг 5 курс талабалари учун “Психиатрия ва наркологи*

№	Баҳолаш тури	Максимал балл	Коэффициент	Саралаш балли
1	Жорий баҳолаш	50	0,5	27,5
2	Оралик баҳолаш (тест )	20	0,2	11,0
3	Якуний баҳолаш (ОСКЕ +тест)	15+15	0,3	16,5
	Жами:	100	1	55,0

2. *ОМХ факультети 2 курс талабалари учун “Психиатрия ва наркологияда хамширалик иши” фани:*

№	Баҳолаш тури	Максималл балл	Коэффициент	Саралаш бали
1	Жорий баҳолаш	5	0,5	2.75
2	Оралик баҳолаш (тест )	5	0,2	2.75
3	Якуний баҳолаш (ОСКЕ)	5	0,3	2.75
	Жами:	-	1	-

3. Ҳарбий тиббий факультети 5 курс талабалари учун “Психиатрия ва наркология” фани:

№	Баҳолаш тури	Максималл балл	Коэффициент	Саралаш бали
1	Жорий баҳолаш	70	0,7	38,5
2	Якуний баҳолаш (ОСКЕ)	30	0,3	16,5
	Жами:	100	1	55,0

Талабаларнинг кафедрадаги фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичини назорат қилишда қуйидаги мезонлар (кейинги ўринларда намунавий мезонлар деб юритилади) қабул қилинган.

№	Ўзлаштириш % ва баллда	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
1.	86-100	Аъло	-мавзуга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштира олиш; -мавзу бўйича ўз фикрини тўлиқ баён этиш, барча берилган саволларга тўлиқ тўғри жавоб бериш, таҳлил қилиш ва хулоса чиқариш, ижодий фикрлаш, аудиторияда мавзунини муҳокама қилишда фаол қатнашиш; - мавзу бўйича беморни текшириш (объектив кўрик, клиник суҳбат, анамнез йиғиш) ва унинг руҳий ҳолатини ёритиб бериши олиб бериш; -мавзу бўйича вазиятли масалаларни ечиш, тест саволларига тўлиқ ва тўғри жавоб бериш; -эркин тасаввурга эга бўлиб, керак бўлганда ўқитувчи билан ўз фикрини алмашиш.
2.	71-85	Яхши	-мавзуга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштира олиш; -мавзу бўйича ўз фикрини етарли даражада баён этиш, барча берилган саволларга тўғри жавоб бериш; - таҳлил қилиш ва хулоса чиқариш, ижодий фикрлаш, аудиторияда мавзунини муҳокама қилишда қатнашиш, - мавзу бўйича беморни текшириш (объектив кўрик, клиник суҳбат, анамнез йиғиш) ва унинг руҳий ҳолатини ёритиб бериши олиб бериш; -берилган уй вазифаси мавзуси бўйича аниқ тасаввурга эга бўлиш.
3.	55-70	Қониқарли	мавзу бўйича ўз фикрини баён этиш, барча берилган саволларга тўғри жавоб бериш; -аудиторияда мавзунини муҳокама қилишда қатнашиш, -мавзу бўйича беморнинг курациясида иштирок этиш ва беморни текшириш (объектив кўрик, клиник суҳбат, анамнез йиғиш);

			-берилган уй вазифаси мавзуси бўйича тасаввурга эга бўлиш.
4.	0-54	Қоникарсиз	-мавзу бўйича ўз фикрини баён этолмаслик, берилган саволларга жавоб беролмаслик; -аудиторияда мавзунини муҳокама қилишда қатнашмаслик; -мавзу бўйича беморнинг курациясида иштирок этмаслик ёки беморда текшириш (объектив кўрик, клиник суҳбат, анамнез йиғиш) ўтказиш олмаслик.

## **БАҲОЛАШ ТАРТИБИ ВА МЕЗОНЛАРИ**

### **Жорий баҳолаш куйидагиларни ўз ичига олади:**

Жорий назорат 100 баллик тизимда баҳоланганда куйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

1. Талаба аудио ёки видео маърузани эшитиши, маъруза охирида берилган камида 4 та саволга қисқа ёзма жавоб ёзиб, амалиёт уқитувчисига юбориши (moodle да) - 30% (0,3 коэф)
2. Вазиятли масалаларни ишлаганлиги - 50% (0,5 коэф)
3. Тестларни жавоби (тестлар махсус дастур асосида жойлаштирилади ва жавоб 100 балликда белгиланади) - олинган баҳоси 20% ни ташкил қилади (0,2 коэф)

Мисол: талаба маърузадаги саволларга жавоб берди ва 80 балл олди, вазиятли масалани тулик ишлади ва 76 балл олди, тестдан 90 балл.

Демак,  $80 \text{ балл} \times 0,3 = 24$   $76 \text{ балл} \times 0,5 = 38$   $90 \text{ балл} \times 0,2 = 18$

Жами ЖН учун  $24+38+18 = 80$  балл

Агар маъруза режалаштирилмаган бўлса, талабага мавзу бўйича камида 4 та назорат саволи юборилади ва жавоби 30% (0,3 коэф) ташкил этади.

Агар талаба фақат тестни ечса, 100 балл олган тақдирда ҳам ЖН дан 20 баллга эга бўлади.

### **Оралиқ баҳолаш**

Оралиқ назорат - семестр давомида ўқув дастурининг тегишли (фаннинг бир неча мавзуларини ўз ичига олган) бўлими тугаллангандан кейин талабанинг билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Оралиқ назорати кафедрада фанга ажратилган соатдан келиб чиққан ҳолда, даволаш ва тиббий педагогика факультетининг 5 курс ҳамда ОМХ факультетининг 2 курс талабаларига 1 марта ўтказилади. Оралиқ назорат фаннинг “Умумий психопатология” бўлими тегишли мавзулар бўйича тест шаклида ўтказилади. ОН учун 30 дақиқа ажратилади, саволлар сони -15 та. Тест синови MOODLE платформасида, махсус дастур асосида амалга оширилади. ОНга маърузалар ва амалий машғулотларга тўлиқ қатнашган ва дастлабки олтита мавзу бўйича 55дан юқори балл тўплаган талабалар кўйилади. Мабода талаба тест саволларини ечишда 55 дан кам балл тўпласа ОН ўтмаган ҳисобланади.

ОНга қўйилмаган ёки биринчи марта топширганда 55 дан кам балл тўплаган талабалар кафедра мудирининг рухсати билан ОНни қайта топширадilar.

Оралиқ назоратнинг (ОН) максимал бали – 100 га тенг ва ундан олинган балл 0,2 коэффицентга кўпайтирилади. У максимал 20 баллни ташкил этади ва 55% - 11 баллга тенг.

Жорий ва оралиқ назоратларда саралаш балидан кам балл тўплаган ва узрли сабабларга кўра назоратларда қатнаша олмаган талабага қайта топшириш учун, якуний назорат тури ўтказиладиган вақтгача муҳлат берилади.

Оралиқ назоратни қайта топширишдан такроран ўта олмаган талабага деканат рухсатномаси билан семестр охирида топширишга рухсат этилади.

### **Якуний назоратни баҳолаш мезони**

Якуний назорат амалий машғулот ва маърузалар тугаши билан якуний назоратлар жадвалига мувофиқ ўтказилади. Фан бўйича жорий, оралиқ ва якуний назоратларнинг ҳар бирига ажратилган баллнинг 55 фоизи саралаш бали этиб белгиланган. Жорий ва оралиқ назоратдан 55 фоиздан ортиқ балл тўплаган барча талабалар ушбу фан бўйича якуний назоратга киритилади.

Якуний назорат даволаш ва тиббий педагогика факультетларининг 5 курс талабалари учун икки босқичда ўтказилади:

1-босқич - OSCE усулида ўтказилади, унга фан бўйича умумий баллнинг 15%и ажратилган. ЯНда 55%дан кам балл тўплаган талаба (умумий тўплаган балли 55 ва ундан юқори бўлган тақдирда ҳам) иккинчи босқичга қўйилмайди ва унга ўрнатилган тартибда қайта топширишга рухсат берилади.

2-босқич режа асосида тест синови шаклида ўтказилади. Унга ҳам фан бўйича умумий баллнинг 15%и ажратилган. Тест синовларида максимал баллнинг 55%дан кам балл тўплаган талаба аттестациядан ўтмаган ҳисобланиб, унга бир маротаба деканат рухсати билан қайта топширишга имкон берилади. “Психиатрия ва наркология” фанидан ЯНнинг ҳар иккала босқичини ижобий топширган талабаларнинг OSCE ва тест синовларидан тўплаган баллари йиғиндиси 0,3 коэффицентга кўпайтирилади, яъни ЯН умумий баллнинг 30%ини ташкил қилиб, максимал 30 баллдан: биринчиси OSCE, иккинчиси тест синови баллари йиғиндисидан иборат бўлади.

Кафедрада ХТ факультетнинг 5 курс ва ОМХ факультетининг 2 курс талабалари учун якуний назорат OSCE шаклида ўтказилади. Унга фан бўйича умумий баллнинг 30%и ажратилган.

OSCE яъни объектив клиник тизимлаштирилган усул ёрдамида баҳолаш 100 балли тизим асосида баҳоланади ва 4 станциядан иборат:

#### **1 станция-вазиятли масала 40 балл**

- симптомларни санаб ўтинг (камида 3 та)- 10 балл
- тахминий ташхис қўйиш – 5 балл
- талаб килинадиган текширувлар белгилаш – асослаб белгиланганлигида 5 балл; фақат санаб ўтилган ҳолда – 2,5 балл

- қиёсий ташхис – санаб ўтилганда 5 балл; санаб қиёслаб берилганда – 15 балл
- тактикани белгилаш- муассаса тури, гуруҳ дори воситаси тўғри аниқланганида- 5 балл; муассаса тури, гуруҳ дори воситаси нотўғри аниқланганида- 3,0 балл; муассаса тури ва гуруҳ дори воситаси қисман аниқланганида-1,0 балл

## **2 станция- мослик тести 10 балл**

Баллар тўғри жавоблар сони бўйича тенг тақсимланади.

## **3 станция - назарий савол. 20 балл**

Талабага хусусий психиатрия бўлими бўйича савол тақдим этилади.

- касалликнинг клиникаси-10 балл
- кечиши-5 балл
- ушбу касалликда УАШ тактикаси-10 балл
- оқибати-5 балл

## **4 станция- клиник ҳолат таҳлили - 30 балл.**

Ушбу станцияда вазиятли ҳолат тақдим этилади ва талабадан клиник вазиятнинг симптомларини ҳамда УАШ тактикасини ёритиб бериш талаб этилади.

- Клиник ҳолатнинг тузилмавий таркибий қисмларини кўрсатинг
- Сизнинг тактикангиз

Яқуний назорат турларини ҳар бири бўйича саралаш балидан кам балл тўплаган талаба академик қарздор ҳисобланади. Академик қарздор талабаларга семестр тугаганидан кейин қайта ўзлаштириш имконияти деканат рухсатномаси билан берилади.

## **КАФЕДРАДА ҚОЛДИРИЛГАН ДАРСЛАРНИ ҚАЙТА ТОПШИРИШ**

MOODLE платформасида масофавий ўқитиш жараёнида талаба қолдирилган машғулотларни ўқув цикли давомида қайтадан ўзлаштириб боришига имконият берилади.

Касаллиги сабабли дарсларга қатнашмаган ҳамда белгиланган муддатларда жорий, оралик ва яқуний назоратларни топшира олмаган талабаларга факультет декани фармойиши асосида, ўқишни бошлаганидан сўнг икки ҳафта муддатда топширишга рухсат берилади.

## **КАФЕДРАДА РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИНИ ҚАЙД ҚИЛИШ ВА ТАҲЛИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

- Талабанинг фан бўйича назорат турларида тўплаган баллари семестр якунида рейтинг қайдномасига бутун сонлар билан қайд қилинади. Рейтинг дафтарчасининг “Ўқув режасида ажратилган соат” устунига семестр учун фанга ажратилган умумий ўқув юклама соатлари (аудитория+мустақил иш соатлари), “Ўзлаштириш кўрсаткичи” устунига эса 100 баллик тизимдаги ўзлаштириши қўйилади.

- Талабанинг саралаш балидан паст бўлган ўзлаштириши рейтинг дафтарчасига қайд этилмайди.
- Ҳар бир фан бўйича ўтказиладиган назорат турларининг натижалари гуруҳ журнали ҳамда қайдномада қайд этилади ва шу куннинг ўзида (назорат тури ёзма иш шаклида ўтказилган бўлса, 2 (икки) кун муддат ичида) талабалар эътиборига этказилади.
- Якуний назорат натижаларига кўра фан ўқитувчиси талабаларнинг фан бўйича рейтингини аниқлайди ҳамда рейтинг дафтарча ва қайдноманинг тегишли қисмини тўлдиради.

## ТАЛАБАНИ ФАН БЎЙИЧА АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Талабанинг фан бўйича рейтингини қуйидагича аниқланади:

$$R_f = \frac{V \cdot O'}{100}$$

бу ерда:

V- семестрда фанга ажратилган умумий укув юкламаси (соатларда);

O' -фан бўйича ўзлаштириш даражаси (балларда).

*Даволаш ва тиббий педагогика факультети 5 курс талабалари учун:*

ЖБ (15 та дарс) к = 0,5	ЖБ ўртача қиймати – (72+84+78+75+82+80+65+73+78+80+67+70+75+76+79)/15=72,6 ЖБ бали - 72,6 x 0,5=36,3 балл.
ОБ к=0,2	Тест 74 x 0,2 =14,8 балл
ЯБ к=0,3 (0,15+0,15)	Тест + ОСКИ (85x0,15)+(83x0,15) =12,75+12,45=25,2 балл
Фандан тўпланган балл	ЖБ+ОБ+ЯБ =36.3+14.8+25.2 =76,57 балл

Талаба фандан олган рейтингини:  $P = V \times O / 100 = 266 \times 76,57 / 100 = 203,7$

*ОМХ факультети 2 курс талабалари учун:*

ЖБ (12 та дарс) к = 0.5	ЖБ ўртача қиймати – (65+73+78+80+67+70+75+73+71+75+70+69)/12=72,6 ЖБ бали - 72,6 x 0,5=36,3 балл.
ОБ к=0,2	Тест 74 x 0,2 =14,8 балл
ЯБ к=0,3	ОСКИ 85x0,3 =25,2 балл
Фандан тўпланган балл	ЖБ+ОН+ЯБ =32,3+14,8+25,2 =76 балл

Талаба фандан олган рейтингини:  $P = V \times O / 100 = 266 \times 76 / 100 = 202,2$

*Ҳарбий тиббий факультет 5 курс талабалари учун:*

ЖБ (7 та дарс) к = 0.7	ЖБ ўртача қиймати – (65+73+78+80+67+70+75)/7=72,6 ЖБ бали - 72,6 x 0,7=50,8 балл.
ЯБ к=0,3	ОСКИ (85x0,3) =25,2 балл
Фандан тўпланган балл	ЖБ+ЯБ =50,8+25.2 =76 балл

Талаба фандан олган рейтинг:  $P = B \times O / 100 = 266 \times 76 / 100 = 202,2$

Талабаларнинг ўзлаштириши ва гуруҳнинг сифат кўрсаткичи кафедра мажлисларида мунтазам равишда муҳокама қилинади ва керакли чоралар кўрилади.

**Фан бўйича рейтинг дафтарчасини расмийлаштириш тартиби намунаси**

№	Фан номи	Умумий соат	Ўзлаштириш	Рейтинг	Ўқитувчининг Ф.И.Ш.	Сана	Имзо
	Психиатрия	266	76	203	Зокиров М.М.		

**Эслатма:** кафедранинг профессор – ўқитувчилари амалий машғулотларнинг биринчи куни талабаларни ушбу низом билан мукамал таништиришлари (инструктаж ўтказишлари) ва ўзлари унинг барча бандларига амал қилишлари шарт.